

## Мадридда Ислом маданияти институти очилди



11:08 / 17.12.2018 2730

Мадриддаги “Ислом маданияти ва диний бағрикенглик институти”нинг очилишига Испания университетларидан 200 нафар ўқитувчи ва мамлакат хорижий элчихоналарнинг ходимлари ташриф буюрди. Бу ҳақда IQNA хабар берди.

Маълум бўлишича, мазкур институт Бирлашган Араб Амирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, Европадаги энг нуфузли олий таълим даргоҳларидан бири бўлади.

Тадбирга ташриф буюрган БАА Диний бағрикенглик вазири Шайх Ниҳён ибн Муборак икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётганига ушбу билим даргоҳи яққол мисол бўла

олишини маълум қилган. Хабарда айтилишича, институтнинг очилиш маросимида БАА Диний ва вақф идораси бош мудирилиги раҳбари, Дунё озчилик мусулмонлар кенгаши Бош котиби, Босния-Герцоговина собиқ муфтийси, Испаниядаги “Гранада” ислом татдқиқотлар маркази раҳбари, Мадрид ислом маданият маркази раҳбари каби бир қатор нуфузи меҳмонлар иштирок этишган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**